O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 15 декабрь, № 244 (4143) Жума

ИЛМ ИЗЛАГАНГА УММОНДИР ДУНЁ



Қарши шаҳрининг 6-кичик тумани ҳудудида зиё масканларидан бири — "Китоблар маркази" ўз фаолиятини бошлади. Китоб шайдоларининг, китобхонларнинг қувончи чексиз. Эндиликда улар ўзларига керакли адабиётларни, зарур дарсликларни ана шу марказдан харид қилишлари мумкин.

— Бу ерда беш минг турдаги турли адабиётлар мавжуд, — дейди филиал раҳбари Ойбек Олимов. — Китобсеварлар ўз ҳудудларида замонавий ўқув масканига эга бўлганларидан хурсанд. Шу боис, бундай марказларни вилоятимизнинг бошқа туманларида ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

Айни кунларда республика "Шарқ зиёкори" акционерлик жамияти Қарши шаҳар филиали томонидан ташкил этилган мазкур зиё масканида ўқув зали, дарсликлар, бадиий, сиёсий ва юридик адабиётлар, методик қўлланмалар ҳамда ўқув қуроллари мавжуд.

СУРАТЛАРДА: "Китоблар маркази"нинг умумий кўриниши; филиал раҳбари Ойбек Олимов янги келган адабиётларни кўздан кечирмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Пахтакор туманидаги «Элита» уруғлик чигит ишлаб чиқариш корхонасида Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги тегишли корхоналар мутахассислари, селекционер олимлар, фермерлар иштирокида минтақавий кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Сара уруғ — ҳосил бўлиқ

Унда 2007 йил пахта ҳосили учун уруғлик тайёрлаш, чигитни зараркунандалардан сақлаш ҳамда турли касалликларга чалинишининг олдини олиш масалалари муҳокама этилди.

Тадбир иштирокчилари «Элита» корхонасига Испаниядан келтирилган замонавий ускуналарда уруғлик тайёрлаш, унга ишлов бериш, чигитни механик усулда туксизлантириш жараёнлари билан танишдилар. Жорий йилда 6 минг тонна сифатли уруғлик тайёрлашни режалаштирган бу жамоанинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилдилар.

Семинарда, шунингдек, ҳар уч вилоятда қўлланилаётган навлар, сифатли уруғлик чигитни ҳимояловчи ҳамда қувватлантирувчи кимёвий воситалардан фойдаланиш, уруғлик тайёрлаш технологияси пайтида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида қизғин мунозаралар бўлди. Мунозаралар чоғида навларнинг тозалигини сақлаш, уруғлар аралашиб кетишининг олдини олиш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий семинарда пахта уруғчилигини ривожлантиришда соҳа мутахассисларининг галдаги вазифалари ҳам белгилаб олинди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ МИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Тошкент, 2006 йил 13 декабрь

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) миссияси 2006 йил 30 ноябрдан 13 декабргача Ўзбекистонда бўлиб, IV моддага мувофиқ маслаҳатлашувлар доирасида Ўзбекистон ҳукумати билан муҳокама ўтказди. Миссияга Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним бошчилик қилди.

Ўзбекистон ҳукумати ва ХВЖ миссияси иштирокидаги муҳокама чоғида 2005-2006 йилларда иқтисодиётнинг ривожланиши, 2007 йилга доир истиқболлар ва ўрта муддатли истиқболлар, шунингдек, ҳукуматнинг иқтисодий ислоҳотлар дастури диққат марказида бўлди. Муҳокама ошкора ва амалий руҳда ўтди. Миссия самарали ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Миссия сўнгги икки йил мобайнида умумий иқтисодий кўрсаткичлар юқори бўлганлигини эътироф этди. Бу ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари юқори бўлиб, расмий маълумотларга кўра, камида 7 фоизни ташкил этгани, асосан экспорт ҳажми ортганлиги туфайли савдо баланси ва жорий операциялар ҳисобида сезиларли профицит мавжудлиги, олтин-валюта захираси кескин ошиб, айни пайтда унинг миқдори 12 ойлик импорт қийматига тенг эканлиги билан изоҳланади. Сўнгги пайтларда инфляция пасая бошлади.

Иқтисодий сиёсат соҳасида пухта ўйланган солиқ-бюджет сиёсати олиб борилди, натижада солиқ ставкалари пасайтирилганига қарамай, бюджет профицитига эришилди. Тўлов балансидаги барқарор актив сальдо пул-кредит агрегатларига таъсир кўрсатиб, пул-кредит сиёсати олдига мураккаб вазифалар қўйди. Шунга кўра, 2006 йилда Ўзбекистон Марказий банки пул-кредит сиёсатини зарур даражада қатъийлаштирди. Солиқ-бюджет ислоҳотларида кўзда тутилган ривожланиш билан бир қаторда тузилмавий ислоҳотларни изчил амалга ошириш давом эттирилди.

Миссия иқтисодий ўсиш ва тўлов балансининг кўрсаткичлари аввалгидай юқори бўлиши прогноз қилинаётганлигини ҳисобга олиб, 2007 йилнинг иқтисодий истиқболлари ижобий бўлишини қайд этади. Миссия, ҳукумат бундан буён ҳам инфляцияни пасайтириб боришга қаратилган саъй-ҳаракатларни, шу мақсадда пул-кредит сиёсатини қатъийлаштиришни ва пухта ўйланган солиқ-бюджет сиёсати ўтказишни давом эттиради, деб ишонади.

Молиявий барқарорлик шароитида ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш учун, миссиянинг фикрича, иқтисодий сиёсат олдида турган бошқа вазифаларни ҳал этиш лозим, жумладан, инфляцияни пасайтириш, банк тизимини янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган факторларни бартараф этиш ва ташқи савдо соҳасидаги тўсиқларни олиб ташлаш зарур. Бу мақсадларга эришиш учун миссия қатор тавсиялар киритди: улар — янада мослашувчан курс сиёсатини олиб бориш, банкларни уларга хос бўлмаган функциялардан халос этиш, ташқи савдо билан боғлиқ солиқ ва маъмурий тўловларни камайтиришдан иборат. Мазкур тавсиялар ҳукумат томонидан иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида диққат билан кўриб чиқилади.

Миссия Халқаро валюта жамғармаси ислоҳотларни давом эттиришда Ўзбекистонга ёрдам беришга, шу жумладан, техник кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 12 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган

Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 14 декабрь
№ ЎРҚ — 68

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 12 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган

Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 14 декабрь
№ ЎРҚ — 69

Дунё нигоҳи

Янги зеландиялик таржимон Роберт Томсоннинг тўққиз ой илгари Токиодан бошланган сафари ҳануз давом этмоқда.

Айни пайтда у «Ер юзининг сайқали» аталмиш қадимий Самарқандда. 12 минг километр йўл босиб, қарийб 300 та шаҳар, юзлаб қишлоқларни босиб ўтган сайёҳ бир олам таассуротлар орттирганини тўлиб-тошиб гапиради:

— Қанчадан-қанча гўзал манзаралар, минглаб самимий чеҳраларни учратдим. Қаерга бормай, мени илиқ кутиб олиб, олқишлаб кузатишарди. Саёҳат баҳона турли миллатларнинг гўзал анъана ва удумлари билан танишдим. Ўзбек халқининг меҳмондўстлигию одамшавандалигидан беҳад миннатдорман. Кўҳна шаҳар обидалари эса бетакрорлиги билан мени лол қолдирди.



Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ФАҚАТ РАҚОБАТ

муҳитигина муносиб фермерлар ерга эга бўлишини таъминлайди



Бонг урамиз!

Бу йил Фарғона вилоятида 43 та ширкат хўжалиги ўрнида янги фермер хўжаликлари ташкил этилади. Бу билан мавжуд туманларда бирорта ҳам зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз ширкат хўжалиги қолмайди.

Лекин масаланинг моҳияти бошқа томонда. Ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш, бу ишнинг ташкилий жиҳатлари суръати, фермерларга кўмаклашувчи инфратузилмаларни яратиш жараёни қай тарзда кетаяпти? Афсуски, бу борада эътиборга тушадиган, мақтанса арзийдиган ишлар кўзга ташланмайди. Бундай сусткашлик куни кеча Вазирлар Маҳкамасида сим орқали ўтказилган йиғилишда ҳам ҳаққоний танқид қилинди.

Далилларга мурожаат қилайлик.

Маълумки, тендернинг дастлабки босқичи шу йил декабрь ойининг сўнгги ўн кунлигида ўтказилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 43 та ширкат хўжалигининг 51,5 минг гектар майдони хатловдан ўтказилиб, 46 минг 216 гектар экин майдони ва боғ учун 4613 та лойиҳа тайёрланди. Ўз фаолиятларини бошлаган комиссиялар эса ўтган йили тендер ўтказишда йўл қўйилган камчиликлар, ҳар хил тазйиқларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу ижобий ҳолат, албатта. Лекин комиссиялар ташкилий жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратиб, тарғиботташвиқот, тушунтириш ишларини эътибордан четда қолдираётганга ўхшайди. 4613 та лойиҳага бугунгача 6011 та ариза тушгани шундан далолат беради. Бу «Битта лойиҳага атиги 1,3 тадан даъвогар тўғри келаяпти» дегани ахир?

Аризаларнинг ҳам аксарияти пахта ва ғалла йўналишларидаги лойиҳаларга берилган. Сабзавот ва полизчилик, боғ ва узумчилик, чорвачилик йўналишлари гўё унутилгандай.

Бир мисол. Бешариқ тумани бўйича олинган маълумотларга қараганда, бу ерда фермер хўжаликлари учун жами 1392 та лойиҳа тайёрланган. Шу кунгача уларга бор-йўғи 554 та ариза тушган. Бу — ҳар бир ўринга 0,4 тадан даъвогар бор, дегани. Шундай экан, тендердан кўзланган мақсадга эришиб бўладими?

«Адиробод» — шу туманнинг боғдорчиликка ихтисослаштирилган хўжалиги ҳисобланади. Бу хўжаликда пахтачилик бўйича 4 та, боғдорчилик йўналишида 312 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Аммо 11 декабргача атиги 12 та ариза қабул қилинган. Бу аҳволда муқобиллик асосида тендер қандай ўтказилади-ю, ер ҳақиқий эгасини қачон топади? Мадаминов номли, «Ўзбекистон» ширкатлари бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларга эса ҳалигача лоақал биттадан даъвогар чиқмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Нима, бу жойларда фермер бўлишни истовчилар йўқми? Балки бундай бемалолчиликдан, рақобат муҳити яратилмаганлигидан кимлардир манфаатдордир?!

Боғдорчилик йўналишидаги лойиҳаларга талабгорларни жалб қилиш ишлари Олтиариқ, Фурқат, Ўзбекистон туманларида ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилгани билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Обуна поезди жўнаш арафасида

«Халқ сўзи» — шу номнинг ўзи обуна учун кифоя эмасми?!

2007 йилда қуйидаги мавзуларни фақат **«Халқ сўзи»**да ўқийсиз:

- **Парламент қабул қилган қонунлар**
- **Вазирлар, тармоқ раҳбарлари билан бевосита мулоқотлар**
- **«Журналист суриштируви» рукни остида ижтимоий адолатни кўзловчи мақолалар**
- **Ойида икки марта: «Ғурунг» дам олиш саҳифаси.**

Бугун улгурмасангиз, бир йилга кечикасиз

Нашр индексимиз — 229

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Яна бир зарварақ

Ифтихор

Ҳар бир йилнинг муҳтарам Президентимиз томонидан ўзига хос пурмаъно номлар билан белгилаб келиниши мустақил давлатимиз, элу юртимиз танлаган йўлнинг эзгу инсоний моҳиятини ифодаловчи зар сарлавҳаларидир. Бу сарлавҳалар заҳматкаш, иродаси букилмас халқимизнинг зафарли меҳнатлари билан зарварақларга айланиб бораётгани бугунги кунда ҳаммага маълум. Кўпгина эзгу қадриятлар, тушунчалар қаторида жамиятимизда эгалик туйғуси ҳам одамлар қалбида чуқур томир отиб, бу туйғу инсоний амаллар билан янада мустаҳкамланиб бораётир. Ерга, мулкка эгалик, ёш авлоднинг бахту камолига, эртанги кунга эгалик, борингки, юртга эгалик туйғуси ҳам униб-ўсиб, кучга кириб, мана энди ўз меваларини бераётган Истиқлол эккан кўчатлардан биридир.

«Ижтимоий ҳимоя» деган муборак сўзлар замирида айнан шу олижаноб инсоний туйғу — бу элнинг, бу юртнинг, ёш авлод ва кекса авлод, эркагию аёли, оиласию рўзғорининг эгаси, кенг қанотларининг остига олиб иситувчиси, асраб-авайлаб, эъзозлагувчиси, ғамхўри ва қадрлагувчиси бор деган эзгу маънолар ниҳон. Алпомишсифат деҳқонлари кўкрагини кериб, «Бу мулк — меники, ўзимники!» деб ғурурланиб юргувчи эл албатта, бой-фаровон бўлади. Шу туйғу ҳеч биримизни тарк этмасин! Истиқлолимизнинг яна бир зарлавҳасию зарвараги ҳаммамизга муборак бўлсин!

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

ХАЛҚАРО ЛОЙИҲАНИНГ ЭЪТИРОФИ

Ҳукуматимиз томонидан таълимнинг бошқа йўналишлари каби ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича ҳам катта имконият ва шароит яратилган. Хорижий давлатларнинг грант лойиҳалари доирасида 1205 нафар ўқитувчи чет элда малакасини оширганлиги фикримиз исботидир.



Таълимдаги ислоҳот

Ушбу лойиҳалардан бири Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Германиянинг Техникавий ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигидаги "Ўрта Осиё ва Кавказорти давлатлари ўртасида касбий таълим тизими педагогларининг малакасини ошириш" лойиҳасидир.

Айтиш жоизки, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ончалик катта тажрибага эга бўлмаган мутахассислар малакасини ошириш долзарб вазифага айланди. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб, ўқитишнинг янги усулларини ўз иш фаолиятида қўллашга ва педагогик маҳоратни бойитиб бориш-даги оқсоқлик кўп йиллик иш стажига эга ўқитувчиларимизда ҳам кўзга ташланаётган эди.

Ваҳоланки, бугунги кунда таълим жараёнига янги педагогик технологияларни қўллаш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Илгари компьютер, мультимедиа каби ахборот технология воситаларини педагогик фаолиятда қўлланилишини тасаввур ҳам қила олмас эдик. Фақатгина мустақиллик шарофати билан ҳаётга татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури туфайли илғор моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш учун ўқув жараёнида янги педагогик технологиялар қўлланилаяпти. Номи тилга олинган Лойиҳада эса айнан шу муаммони ечиш кўзда тутилган. Лойиҳа томонидан олиб борилган ишлар таҳлилига бағишланган халқаро анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Грузия, Арманистон ва Озарбойжон давлатлари касбий таълим соҳаси вакиллари иштирок этдилар.

Иштирокчиларни ҳар бир давлатдан 4 кишидан жами 28 нафар катта мультипликаторларни Германия давлатининг IBC-Berufliche Bildung und Consulting GmbH (халқаро касбий таълим ва маслаҳат маркази) тренерлари 2 гуруҳга бўлиб ўқитди. Катта мультипликаторлар ҳар бир давлатнинг маҳаллий семинарларида кичик мультипликаторларни тайёрлашди. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган 8 нафар кичик мультипликаторларга ҳамда улар ёрдамида вилоятларда ўтказилган семинар-тренингларда 1433 нафар касб-ҳунар таълими ходимларига касбий педагогика сирлари ўргатилди.

Чирчиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежида тикувчилик йўналиши гуруҳлари орасида педагогик тажриба-синов ўтказилди. Ўтказилган якуний назорат эса ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди.

Семинар-тренинглар Тошкент шаҳрида, Остона, Бишкек, Душанбе ва Тбилиси шаҳарларида ўтказилди.

Шуни мамнуният билан айтиш лозимки, республикамиздаги таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, педагогларнинг ўз ишларига нисбатан масъулият билан ёндошиши йиғиннинг бошқа давлат иштирокчиларида ҳавас уйғотди. Юртимизда мингдан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежи барпо этилганлиги қувонарлидир.

Семинар-тренинг материаллари Тошкент Давлат аграр университети ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказларида касб-ҳунар коллежлари муҳандис-педагоглари учун ташкил этилган бир ойлик малака ошириш курсларида татбиқ этилмоқда. Семинар материаллари махсус фан педагогларига ўқувчиларни мустақил ишлаш, эркин фикрлаш ва ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишни ўргатишга ёрдам беради.

Бўлиб ўтган якуний семинар-тренингда республикамизда таълимнинг ўрта бўғинида олиб борилаётган ишлар сифати юқори эканлиги алоҳида эътироф этилди. Шунинг учун ҳам Лойиҳанинг кейинги босқичига юртимиздаги касб-ҳунар таълим муассасалари биринчилар қаторида киритилди. Шунингдек, якуний семинарда Германиянинг Техникавий ҳамкорлик ташкилоти томонидан иштирокчиларга лицензия тақдим этилди. Мазкур лицензия Марказга семинар материалларини кўпайтириш, такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш таълими усталари, муҳандис-педагоглари малака оширишлари учун чегараланмаган ҳуқуқ беради.

Л. ГАФАРОВА,
А. ҲОШИМОВА,
анжуман иштирокчилари.



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Эзгулик, бағрикенглик азалдан халқимизнинг энг муқаддас қадриятларидан бўлиб келган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом сўзлари билан айтганда, бу дунёга ҳар бир инсон бошқа инсонларнинг бахти учун келганини доим ёдимизда тутишимиз керак. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ бутун дунёга эълон қилган беш асосий тамойилдан бири — кучли ижтимоий сиёсат қабул қилинганлиги бежиз эмас. Қурила бошлаган янги жамиятимизнинг пойдеворига Юртбошимиз яхшилик, одамийлик ва чин инсоний муносабатларга йўғрилган биринчи ғиштларни қўйганлар.

БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Бугун мустақиллик даврини эътибор билан таҳлил қилиб қарасак, ушбу йилларнинг ҳар бири жамиятимиз ва давлатимизнинг тарихида ўзининг алоҳида ўрни борлигини ва айни шу йиллар мобайнида халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти туфайли жонажон диёримиз тараққий этган давлатлар қаторига дадил ва шаҳдам қадамлар билан кириб, ўзига мос ўрнини эгаллаб бораётганини яққол кўрамиз.

Бу йиллар давомида амалга оширилган ислоҳотлар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириб юборди. Бу борадаги кенг қамровли тадбирлар халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириш ва туб ўзгаришларни амалга оширишимиз жараёнида учраётган вақтинчалик қийинчиликларни енгиб ўтиб, жамиятимизнинг жипслигини таъминлашга, белгиланган улуғвор вазифаларни тўла-тўкис бажаришга имкон яратди.

Бугун давлатимизда ёшларимизга ўқиш ва меҳнат қилиш, тадбиркорларимизга фаоллик кўрсатиб, даромад олиш, аёлларимизга ўз ҳуқуқларини кенг миқёсда амалга оширишга, ёши улуғларимизга бахтли кексаликни таъминлаш имконини берадиган кафолатлардан иборат ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослар яратилди. Шунинг учун ҳам олдинги йилларда рўёбга чиққан улкан ишларни мустаҳкамлаб, ҳозирги кунда халқимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш йўлида қабул қилинган қонунларни, ташкилий ва меъёрий талабларни ҳаётга янада кенг ва изчиллик билан татбиқ қилишга интилишимиз керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида, бир текис ривожланиш бўлмаганидек, иқтисодий ўсиш суръатлари аҳоли даромадларининг табақалашувига олиб келиши ҳам аён. Бу муаммо минтақавий ва соҳаларароро миқёсларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Албатта, мутахассис иқтисодчилар, маҳаллий ва ҳудудий раҳбарлар мазкур иқтисодий-ижтимоий тенденцияларнинг олдини олиш тадбирларини олдиндан белгилаб олишлари, ходимнинг иш шароитларидан, уларнинг оиласидаги яшаш ва турмуш муаммоларидан, кўп йиллар жамоада меҳнат қилиб, ҳозирги даврда пенсияга чиққан қариялардан хабардор бўлишлари талаб қилинади.

Фуқаролик жамияти аввало фуқароларнинг фаоллиги билан ажралиб туриши керак. Чунки барча ижтимоий муаммоларни давлат зиммасига ағдариш маъқул эмас. Бу муаммоларни ҳал этиш, уларнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини амалда рўёбга чиқариб бориш эндиликда ижтимоий жамғарма ва уюшмалар вазифаси бўлиб қолган.

Биз, меҳнат иқтисодиёти соҳасининг олим — мутахассислари ҳам, Президентимиз олдимизга қўйган вазифалардан келиб чиқиб, фаннинг ҳали тадқиқ қилинмаган қирраларини ўрганиб, аҳолининг меҳнат самарадорлигини ошириш, иш билан бандлик давлат дастурини рўёбга чиқариш йўлларини таҳлил қилиш, соҳаларароро мавжуд меҳнатни муҳофаза этиш ва пенсия таъминотини кафолатлаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш борасида олдимизда катта вазифалар турганини ҳис этамиз.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси Тошкент шаҳридаги филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

«Эзгу фикр» телефони (133-59-60) га шундай қўнғироқлар бўлди:

«Эзгу фикр» телефони эшитади

Садриддин ҲАСАНОВ,
Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари:

Юртимизда эзгу ниятли, бамисоли фариштадек пок отахонлар яшашади. Улар билан гурунглашсангиз, маза қиласиз. Учтепа туманидаги маҳалладошимиз 85 ёшли Абдусолиҳ ота Абдураззоқ ўғли шундай табаррук инсонлардан. Кеча ҳузурларига чиққан эдим, менга қуйидаги шеърий сатрларини тутди:

Ватанга ишқ қўйгину
Ватандадо бўлмагин.
Ватандошим бўлгину
Ватанга доғ бўлмагин.

Шоира ХОЛМАТОВА,
Тошкент кислород заводи иқтисодчиси:

Тошкентимизнинг равон ва файзли кўчалари ҳақида доимо ғурурланиб гапирамиз. Лекин мен ишга қатнайдиган Алгоритм даҳаси томонидаги Заргарлик ва бошқа ички кўчалар ўнқир-чўнқир бўлиб кетган. Бундан ташқари, бизга хизмат қиладиган 69, 48, 94-автобуслар ишга бориш ва қайтиш пайтида жуда кўп интизор қилади. Йўловчилар тирбандлигидан баъзи ҳайдовчилар бекатларда тўхтамай ўтишади.

Мажид УСУББОЕВ,
Наманган тумани, муҳандис:

Намангандаги «Атлас» бирлашмасида бир вақтлар 8,5 минг одам ишларди. Ҳозир ишчилар сони минг нафарга ҳам етмайди. Хизмат юзасидан бошқа мамлакатларга борганда, биз етиштираётган хомашёдан тайёр маҳсулот чиқараётган корхоналар фаолиятини кузатишга тўғри келди. Буни қарангки, ҳар тоннаси 1.300 доллардан олинган хомашё тайёр маҳсулот қилинганда 8 минг доллар даромад бераяпти. Шу ишларни ўзимизда ташкил қилсак, қанча одам ишли, давлатимиз даромадли бўларди.

Нуриддин РАҲМОНОВ,
Китоб тумани, Айрончи қишлоғи:

«Халқ сўзи» саҳифаларида ҳикматли сўзлар, ибратли мақоллар бериб борилаётганлиги бизга маъқул. Менинг уйимда 1964 йилда чоп этилган «Ҳикматли сўзлар хазинаси» китоби бор. Истасангиз, мазкур битикдан ибратли ҳикматларни тақдим этишим мумкин. Улардан баъзилари билан танишинг:

Билимдан шод бўлур доим дилу жон,
Билимсиз оламда ҳайрон, саргардон.

Носир Хисрав.

Ҳеч кимга ялинмас ҳунарли киши,
Ризқин ўз боғидан топади боғбон.

Сайидо Насафий.

Эшмамат АБРАЕВ,
Чироқчи шаҳри, меҳнат фахрийси:

Ҳозирги пайтда мактаб ўқувчиларининг дафтарларига хонандаларнинг ёки кино юлдузларининг расмларини босиб чиқариш одат тусига кириб қолганлиги, бунинг ёшларимиз маънавиятига салбий таъсири тўғрисида бир неча бор фикрлар билдирилди.

Ўша расмлар ўрнига ҳаётда ҳар биримиз учун доимо керак бўладиган, билиб фойдаланадиган, тафаккуримизни бойитадиган, ҳамма соҳада билим, маънавиятимизни оширадиган донолар сўзидан, ҳадислардан, улуғ шоирларимизнинг мисраларидан, кундалик турмушимизда керак бўладиган билим манбаларидан, масалан, дарахт ниҳолларини пайванд қилишни расми билан кўрсатиб бериш ёинки бошқа фойдали маслаҳатлардан бир шингил, бир шингил берилса, фойдадан холи бўлмасди.

Зукколик баҳсида қувноқлик билан

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Тафаккур синови" мусобақаси бўлиб ўтди.

Жамият қурилиши ва миллий манфаатлар кафедраси томонидан ташкил этилган бу тадбир "Тараққиётга таҳдид: назария ва амалиёт" курсининг якунловчи қисмидир. Шу боис у "Тараққиётга таҳдид ва раҳбар масъулияти" деб номланган. Бу мавзуда баҳслашишнинг ўзи анча масъулиятли эканлигига қарамай, мусобақада академия тингловчилари билим ва тафаккурларини дадил намойиш этишди. Шунингдек, улар "Давр ва таҳдид", "Ҳозирги даврда ижтимоий хавф-хатар", "Дунё тараққиётига диний радикализм таҳдиди" каби мавзуларни пухта ўзлаштирганликларини исботлашди. Энг асосийси, юморга бой саҳна кўринишлари, мусиқа ва кўргазмалар воситасида бу билимларини томошабинларга ҳам етказа олишди.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Кўнгилдан тўкилган сатрлар

Гулистон туманида яшовчи деҳқонлардан бири Ўтбосар ака Абдиев билан юрт ҳақида гаплашдик. Йўқ, аввал ёғаётган қор, қордан кўрпа ёпинган далалар тўғрисида гурунг қилдик. Баракали ва яқинлашиб бораётган йил ҳақида ул-бул, дедик. Гап-гапга илашди. Гурунгимиз саҳнасига неваралар чиқиб келди.



УЛАРГА ОҚ ЁМҒИРЛАР ҲАҚИДА ГАПИРИБ БЕРИШ КЕРАК...

— Шулар менинг борим-да, — деди у ҳовлида қорбўрон ўйнаётган неваларини кўрсатиб. — Кўчадан келсам, бас, иккита-учтаси бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олади. Туфлининг боғини ечишга ҳам қўймайди. Ҳозир, дейман, шошманглар, дейман. Қаёқда! Шовқин солишади, ўзларича менга нималарнидир етказмоқчи бўлишади. Икки тиззам талаш бўлиб кетади. Аразлаган ким, йиғламсираган ким — англолмайман.

Сураткаш Рифат ака Жепаров жилмаяди. Мен Рифат акага қўшиламан.

Ўтбосар ака билан юрт ҳақида гаплашдик, деб нотўғри айтибман. Унчалик гаплашмабмиз. Ана шу мавзуга унчалик ёпишиб олмабмиз.

— Анови жанжалкаш Акбар... ўзича ҳарбий бўлмоқчи. Улуғбек бугун милиционер бўламан деса, эртага тиш доктори бўламан, дейди. Мен эса уларнинг кўнгиллари майин бўлишини истайман. Биттаиккитаси деҳқон бўлсин, дейман. Тиззага урган ғўза пайкалида ишласа, дейман. Шу десангиз, деҳқон бўлса-ю, саратонда даладан чиқмаса, деб хаёл қиламан. Тушликни ҳам ариқ уватидаги тол ёки теракнинг соясида қилса, дейман...

Ўтбосар аканинг кўнгли ийиб кетди. Хаёл деганлари унинг қўлидан етаклаб кетди. Ўзимча унинг фикрларини давом эттираман. Уйдан қийиқчага тугилган иккита нон боради. Ноннинг ёнида бир банка муздек қатиқ. Бир ҳовуч парварда. Рифат ака безовталанади. Ҳадеб қулоғимга шивирлайди: «Битта кадр олайми? Тагига кафтдай нарса ёзиб, газетага бериб юборасан. Зўр бўлади...»

Ўтбосар ака кўнмайди. Ўтбосар ака ўйлашда давом этади.

— Кўни-қўшнилар, маҳалла-кўйдагиларнинг кўнглига яқин олиб ўссин, дейман. Ҳў, ҳали кўнгиллари майин бўлиб ўссин, дедим-а... Шундай бўлмаса, бўлмайди. Тўнг, қовоқ солиб юрадиган одамлар бўлишини хоҳламайман. Ёмғир ёғса, ёмғирни, қор ёғса, қорни гапириб беринг, дейди улар. Мен гапиришдан чарчамайман. Қушларни, мусичаларни, булбуруқдан сирға таққан дарахт шохларини, фаслларни, уларнинг қандай алмашиб келишларини соатлаб тушунтиргандай бўламан. Ана шунда шовқин-сурон тинади. Улар ўтириб қулоқ солишади. Ўзимнинг ҳам кўнглим яйраб кетади...

Рифат аканинг қовоғи солинади. Ва охир-оқибат у Ўтбосар акани кўндиради. Фотоаппарат икки-уч бор «чирқиллайди».

— Шулар менинг борим-да, — дейди Ўтбосар ака неваларига тикилиб.

Чиндан ҳам, биз юрт ҳақида гаплашмабмиз. Суҳбатимиз мавзуси кўпроқ болакайлар, уларнинг кўнгиллари, ёғаётган лайлак қор, мусича, оқ ёмғир, найкамалак ҳақида бўлибди. Шунисига шукур. «Шуларсиз юрт бўлмайдику?» деб кўнглимга таскин бердим. «Лайлак қор ва оқ ёмғир ҳақидаги ҳикояларни, куртакларни, мусичани, жонини ҳовучлаб яшайдиган қушларни юрагига яқин оладиган болакайлар, бундай олиб қараганда, юртнинг ўзи-ку?» деб ич-ичимдан суюндим.

Ичимдан суюнганим билан ўйлаганларимни Ўтбосар акага ҳам, Рифат акага ҳам гапирмайман. Юртни гапирмай ўйлаш керак. Юртни жимгина суюш керак. Юртни полапон бўласидай кафтда тутиб яшаш керак, деган хаёллар, буни қарангки, мени гапирмасликка ундайди...

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида



Япония ташқи ишлар вазирининг таклифи. Ушбу норасмий баённотда, Россия ва Япония ўртасида бир неча ўн йиллардан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган Курил ороллари тенг иккига бўлиш ва чегара чизиғи тортиш таклиф этилган. Бироқ Россия ҳукумати бу фикрни қўллаб-қувватламади. Ҳукумат вакилининг таъкидлашича, Япония икки давлат ўртасида 1956 йилда имзоланган Қўшма декларацияга амал қилиши керак.

Ер юзи аҳолиси бойиб бормоқда. Жаҳон банкининг якуний хулосаларига кўра, 2030 йилга бориб глобал иқтисодиёт икки бараваргача, яъни 35 дан 72 триллион долларгача ўсиши мумкин. Ҳозирда ривожланаётган давлатларнинг ўртача йиллик иқтисодий ўсиши 7 фоизни ташкил қилмоқда.



БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Эрон масаласида бир тўхтамга келишди. Хабарларда айтилишича, Россия, Хитой ҳамда Европа учлиги — Буюк Британия, Франция ва Германия Эронга нисбатан тайёрланган санкция резолюцияси лойиҳасининг баъзи бандларига ўзгартириш киритишга эришганлар. Лойиҳада Эронга оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашёни сотиши тақиқланади.



Бельгия иккига бўлинадими? Бу ҳақда Бельгия давлат телевидениеси хабар тарқатди. Мамлакат таркибида мустақил Фландрия ва Валлония давлатлари пайдо бўлиши мумкин. Телеканал хабарида айтилишича, Фландрия парламенти аъзолари мустақиллик учун овоз беришган. Бироқ мамлакат бош вазири Ги Верҳофстадт мазкур хабарга ўз муносабатини билдириб, расмий баённот берди. У ушбу маълумот нотўғри эканлигини таъкидлади ва дастур муаллифларини масъулиятсизликда айблади.

АҚШлик 10 минг олим ҳукумат сиёсатига қарши. Улар орасида 52 нафар Нобель мукофоти совриндорлари ҳам бор. Олимлар томонидан имзоланган баённотга кўра, АҚШ ҳукумати илм-фан ривожига халақит бериб, эришилган муваффақиятлардан ўзининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Келгуси йил учун шартномалар

Наманган шаҳридаги «Лола» савдо марказида ташкил этилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг навбатдаги ярмаркаси унинг қатнашчилари учун 2007 йил шартномаларини тузиб олиш имкониятини яратди. Унда мамлакатимизнинг бошқа минтақалари ҳамда вилоятнинг юзга яқин ишлаб чиқарувчилари 858 турдаги маҳсулотларини намойиш этдилар. Сифатли ва арзон буюм ҳамиша харидоргир. «Намангантекстиль», «Атлас», «Нотўқимачи», «Муштарий» ҳиссадорлик жамиятлари, «Бунёд», «Дилрабо СДА» кичик корхоналарининг ана шу талабларга жавоб берган маҳсулотлари атрофида савдо қизиганданқизиди.

Ярмарка савдоси якунлари ўша куниёқ аниқ бўлди. Унда иштирок этган ишлаб чиқариш корхоналарининг келгуси йилги буюртма портфели 8998 миллион сўмлик озиқ-овқат, 3784 миллион сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун шартномалар билан тўлди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2007 йил учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун Академия аспирантура ва докторантурасининг вакант ўринларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

АСПИРАНТУРАГА:

08.00.01 — иқтисодий назария;
08.00.05 — менежмент;
12.00.02 — давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи;
23.00.02 — сиёсий институтлар ва жараёнлар.

ДОКТОРАНТУРАГА:

23.00.02 — сиёсий институтлар ва жараёнлар;
12.00.02 — давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи.

Ҳужжатлар шу йилнинг 20 декабригача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун академиянинг аспирантура бўлимига мурожаат қилинг.

Манзилимиз: Тошкент ш., «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 45-уй, телефон: 132-60-65.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА КУНДУЗГИ ЎҚУВ ШАКЛИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

08.00.09. — жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар;
12.00.10. — халқаро ҳуқуқ;
23.00.04. — халқаро тизимлар ва умумжаҳон тараққиётининг сиёсий муаммолари.

Ҳужжатлар 2006 йил 30 декабргача Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 54-уйнинг "А" биноси, 2-хонада қабул қилинади. Телефон: 360-07-07.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, жки ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ҚАЛИТИДИР!

O`ZSANOATQURILISHBANK

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизнинг энг йирик банкларидан бири «Ўзсаноатқурилишбанк»

сизни кириб келаётган

Янги — 2007 йил билан

қизғин табриклайди.

Оилангизга фаровонлик, тинчлик ва барака, ўзингизга соғлиқ, барча ишларингизга омад ва муваффақиятлар тилайди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» сизларга байрам совғаси сифатида юқори даромад келтирувчи янги турдаги миллий ва хорижий валюталарда муддатли омонатларни таклиф қилади.

Миллий валютадаги ***«Қомус»*** ва ***«Офарин»*** омонатлари сизларга юқори даромад олиш имконини беради.

Аҳолидан ***«Қомус»*** омонатига **60 кун** муддатга жами **3 фоиз** устама тўлаш шарти билан камида **100 минг сўм** миқдоридаги маблағ қабул қилинади.

«Офарин» омонатига эса **15 кун** муддатга йиллик **18 фоиз** ҳисобидан устама тўлаш шарти билан камида **100 минг сўм** миқдоридаги маблағ қабул қилинади.

Ушбу омонатларга маблағлар **шу йилнинг 31 декабригача** «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча жамғарма кассалари томонидан қабул қилинади.

Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк» сизларга хорижий валютадаги ***«Капитал»*** муддатли омонатини ҳам таклиф қилади.

Ушбу омонатга маблағлар **6 ой** муддатга йиллик **4 фоиз** ҳисобидан устама тўлаш шарти билан камида 500 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ қабул қилинади, энг кўп миқдори эса чегараланмаган. Фоиз даромадлари омонатга маблағ қўйилган валютада тўланади.



Ушбу омонат турига ҳам маблағлар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча жамғарма кассалари томонидан қабул қилинади. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг филиалларига қарашли жамғарма кассалар ходимлари даромадларингизни кўпайтириш учун сизларни кутишмоқда! Банк омонат шартларининг тўлиқ бажарилишини ва сизнинг биринчи талабингиз асосида пул маблағларингиз қайтариб берилишини кафолатлайди. «Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланадиган аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-24, 136-06-54.

«Ўзсаноатқурилишбанк» — вақт давомида синалган ишончли ҳамкор!

www.uzpsb.uz, e-mail: info@uzpsb.uz

Спорт

15TH ASIAN GAMES DOHA 2006

София Каспўлатова:

КУМУШ ОЛТИНГА АЙЛАНДИ

Кеча Қатар пойтахти Дохада ўтаётган XV Осиё ўйинларида иштирокини тугатган спортчиларимизнинг бир гуруҳи Тошкент Халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.



Суратлар муаллифи: Анвар ИЛЁСОВ, «Жаҳон» АА махсус мухбири. Доха.

Ҳали якунига етмаган спорт турлари бўйича эса сўнгги соатларда медаллар пойгаси учун кураш янада кучайди. Чунки қўлга киритилажак ҳар бир медаль умумжамоа бўйича яхши кўрсаткичга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳал қилувчи дамлар ўзбекистонлик спортчилар учун омадли келмоқда. Яъни, юртдошларимиз қўлга киритаётган медаллар шодаси борган сари кўпайиб бормоқда. Куни кеча боксчимиз Рустам Саидов (+91кг.) терма жамоамизга еттинчи олтин медални келтирган эди.

Энди олтин медаль эгалари ичида каратэчиларимиз ҳам бор. Кўп карра Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ва 2002 йил Пусанда ўтган XIV Осиё ўйинлари совриндори София Каспўлатова (+60 кг) билан мусобақалар арафасида қисқача мулоқотда бўлгандик. У ўшанда беллашувга жиддий ҳозирлик кўрганини, Пусандаги кумуш медалини олтинга айлантириш учун бор кучини ишга солиб ҳаракат қилишини таъкидлаганди. София сўзининг устидан чиқди. У саралаш баҳсларида КХДР, Макао, Хитой Тайпейи каратэчиларини катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Финалда эса БАА вакиласи Майта ал-Мактумни енгиб, терма жамоамиз захирасига саккизинчи олтин медални туҳфа қилди. Дохада байроғимиз яна баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Эркин кураш бўйича мусобақаларда қатнашаётган вакилларимиз ҳам медаллар олишда давом этмоқда. Куни кеча ўтказилган беллашувларда Олег Калагов (96 кг.) кумуш, Сослан Тигиев (74 кг.) эса бронза медалларини қўлга киритдилар. Велотрек баҳсларида Владимир Тўйчиев маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва у ҳам кумуш медаль соҳибига айланди.

Анъанавий шахмат бўйича саккизинчи тур ўйинлари якунланди. Эрон терма жамоасига қарши дона сурган шахматчиларимиз 1,5:1,5 ҳисобида дуранг натижага эришиб, очколарини 13,5 тага етказиб олдилар. Сув полоси бўйича вакилларимиз Саудия Арабистони терма жамоасини 14:11 ҳисобида енгиб, бешинчи ўриндан жой олди.

Кеча куннинг иккинчи ярмида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича баҳсларда қатнашган спортчиларимиз ҳам юқори натижаларга эришдилар. Аёллар ўртасида «К-1» русумли қайиқда 500 метрлик масофага бўлган мусобақада Юлия Борзова маррага биринчи бўлиб етиб келиб, терма жамоамизга тўққизинчи олтин медални келтирди. Эркаклар ўртасида шу масофага ўтказилган мусобақада эса Сергей Борзов кумуш медаль соҳиби бўлди. «К-2» русумли қайиқда Сергей Борзов ва Алексей Бобожонов жуфтлиги ҳам кумуш медали билан тақдирланди. Вадим Меньков «С-1», Рустам Мирзадиёров ва Максим Кирьянов жуфтлиги эса «С-2» русумли қайиқда 500 метрлик масофага бўлган беллашувда бронза медаллари совриндори бўлишди.

Эркин курашчиларимиздан яна уч нафари ғолиблар қаторидан жой олишди. Дилшод Мансуров (55кг.) КХДР вакили Гук Хюн Жонгни, Афина Олимпиадаси чемпиони Артур Таймазов эронлик Фардун Масумийни катта устунлик билан мағлубиятга учратиб, навбатдаги олтин медалларни қўлга киритдилар. Заурбек Сохиев эса эронлик Ризо Яздонийга имкониятни бой бериб, кумуш медали билан кифояланди.

Ҳозир терма жамоамиз вакиллари 11 та олтин, 14 та кумуш ва 14 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида еттинчи ўринда боришмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Балиқчилик ёшлар қувончи

Балиқчи тумани марказида ажойиб спорт мажмуаси қуриб битказилди. Мажмуанинг фойдаланиш учун топширилиши спорт мактаби тарбияланувчиларидан ташқари атрофдаги бешта маҳалла ёшларининг ҳам қувончига қувонч қўшди.

Гап шундаки, спорт мактабининг шу кунга қадар муқим биноси йўқ эди. Ёшлар машғулотларини яқин-атрофдаги мактабларнинг спорт залларида ўтказиб келишарди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими 143 миллион сўм маблағ ажратгач, 34-мактаб ҳудудида ажойиб спорт мажмуаси барпо этилди. Энди бу ерда балиқчилик ёшлар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, бокс, бадиий гимнастика сингари 15 тури бўйича амалий машғулотларда қатнашади, турли нуфузли беллашувларда иштирок этиш учун ўз маҳоратларини оширадилар.

Айни пайтда ёшларга 12 миллион 569 минг сўмлик спорт жиҳозлари ва анжомлар ҳам совға қилинди.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Темур ҚУРБОНБОЕВ сурат-лавҳаси.

АСАРЛАРДА ТАБИАТ ГЎЗАЛЛИГИ

Пойтахтимиздаги тасвирий санъат галереясида рассомлар Валерий Енин ва унинг турмуш ўртоғи Виктория Трошинанинг шахсий кўргазмаси очилди.

Улар ижодий фаолиятларини ҳамкорликда олиб борадилар. Мамлакатимизда ўтказилган кўплаб кўргазмалар ҳамда танловларда ушбу мўйқалам усталарининг асарлари намойиш этилган. Жумладан, Ўзбекистон Бадиий академиясида ўтказилган "Рассом ва табиат", Замонавий санъат марказида ташкил этилган "Осиё Арт-93" кўргазмаларида муваффақиятли қатнашишган. Ўшандаёқ улар томонидан яратилган асарлар мухлису мутахассислар қизиқишига сазовор бўлган эди.

Бу икки ижодкорни нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам яхши танишади. Валерий Енин "Замонавий ўзбек рассомлари" мавзуида Франция, Англия мамлакатларида, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларидаги халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, кўплаб мухлислар орттирди. Шу кунга қадар уларнинг асарлари юртимиздан ташқари АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Италия, Япония, Россия ва Дания каби давлатларнинг бир қанча шахсий тўплам ва музейларидан ўрин олган.

Янги кўргазманинг очилиш маросимида икки ижодкорнинг устозшогирдлари, дўстлари иштирок этишди. Кўргазмадан ўрин олган асарларнинг аксарияти табиат ва инсон мавзусига бағишланган. Рассомлар ранг-тасвир асарларида Жиззах ҳамда Сурхондарёнинг пурвиқор тоғларининг қиш, баҳор, ёз ва куз фаслидаги ҳолатини, тоғ ён бағрида истиқомат қилаётган одамларни, уларнинг уй-жойлари тасвирини моҳирона акс эттирганлар.

Кўргазма бир ой давомида мухлислар эътиборига ҳавола этилади.

Юлдуз РИЗАЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган «ШАРҚ» ТЎЙХОНАСИ никоҳ кечалари, юбилей ва Янги йил банкетлари ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади.

Шунингдек, Янги йилни бирга кутишга таклиф этамиз. Дастурда: Қорбобо, Қорқиз, катта шоу-дастур, мазали таомлар.

Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.

Манзилимиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Мўлжал: метронинг «Амир Темур хиёбони» бекати. Телефонлар: 135-53-33, 135-55-33.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

ички аудит хизматининг қуйидаги лавозимларига қабул эълон қилади:

- хизмат раҳбари — 1 киши;
- хизмат аудиторлари — 2 киши.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- олий маълумот ҳақидаги диплом;
- малака сертификати;
- сўнгги ўн йилнинг камида охирги икки йили давомида бухгалтерия ҳисоботи, аудит, молия ва солиқ назорати соҳасида тажрибага эга бўлишлари керак.

Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотлар (резюме)ни қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

700015, Тошкент ш., Туркистон к., 7-уй.
Тел.: 136-49-48, 136-44-45.
E-mail: uzjeldpass@mail.ru

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

«ЎЗБЕКНАВО» ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ
ЭСТРАДА САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ
«КАМОЛОТ» ЁИҲ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
ЎЗТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ,
«ТУРКИСТОН» САРОЙИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган
АЗИЗ ЮРТИМ НАВОЛАРИ
республика кўрик-танловини ўтказади.

Кўрик-танловнинг асосий мақсади — Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган янги эстрада қўшиқларини яратиш, ёш хонанда ва созандаларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашга хизмат этувчи ашулаларни оммалаштириш.

КЎРИК-ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

- кўрик-танловда 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча профессионал эстрада хонандалари, жамоалари;
- ёш ва устоз хонандалар;
- олий ва ўрта махсус санъат ўқув юртларининг талабалари;
- эстрада соҳасида ижод қилаётган бастакор ва шоирлар иштирок этишлари мумкин;
- Наврўз ва баҳор нашидасини тараннум этиш;
- меҳр ва мурувват, эзгуликни улуғлаш;
- гўзаллик ва ёшликни мадҳ этиш;
- бирдамлик, тотувлик ва умуминсоний қадриятларни қўйлаш;
- миллий урф-одатларимизни тиклашга доир мавзуларга устувор даражада аҳамият берилади.

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА ҚУЙИДАГИ СОВРИН ВА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛАДИ:

- битта биринчи даражали диплом — 700 000 сўм пул мукофоти;
- битта иккинчи даражали диплом — 500 000 сўм пул мукофоти;
- битта учинчи даражали диплом — 300 000 сўм пул мукофоти;
- иккита рағбатлантирувчи диплом — имтиёзли лицензия.

Кўрик-танловнинг саралаш босқичлари ҳар бир вилоятда асосий тадбирдан 15 кун олдин бўлиб ўтади. Кўрик-танлов ғолибларининг тақдимот маросими «Туркистон» саройида 2007 йил февраль ойининг охирги кунларида бўлиб ўтади.

Вилоятларнинг ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи ғолиблари рўйхати ва уларнинг тўлиқ концерт дастурлари «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ташкилий қўмитасига 15 февралгача тавсия этилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй, «Туркистон» саройи.
Телефонлар: 135-85-71, 135-61-23.
Ташкилий қўмита.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!
ADI International Panasonic
Вид деятельности – проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
Системы видеонаблюдения
PELCO J&S
DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER
НОВЫЕ ПОСТАВКИ!
профессиональное качество по привлекательным ценам
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси университет Молия ва солиқлар кафедраси катта ўқитувчиси Лола Алиевага онаси **Лорахон УРАЗАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти жамоаси Умумий энтомология ва арахнология лабораториясининг катта лаборанти Гулноза Сагатовага отаси **Фарҳод САГАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки бошқаруви ва жамоаси бош бухгалтер ўринбосари Абдумўмин Халиловга волидаси **ОЧИЛ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.10 23456